

АМИР ТЕМУР УЛУҒВОР ВА БУЮК ДАВЛАТ АРБОБИ

С.ЙЎЛДОШЕВ, ФарДУ ўқитувчиси
И.Тошпўлатов, Фарғона ВХТХҚТМОИ ўқитувчиси

Амир Темури ўз салтанатини марказлашган давлат қилиб бирлаштирар экан, аини пайтда муҳим давлат ишларини бошқариш, ҳал этиш учун чақириладиган кенгашларга катта аҳамият берган. «...ўз ишларимнинг ўндан тўққиз қисмини мен кенгашлар маслаҳати асосида (оқсоқоллар, амирлар, вазирлар, ақлли ва қўпни қўрган кишиларнинг) фақат бир қисмини қилич ёрдамида ҳал қилдим», — деган эди у. Кенгашнинг қарорисиз Амир Темури ҳеч қандай ишга киришмас эди.

Болалик чоғларидан бошлаб, тарихий ҳикояларни эшитар экан, Амир Темури ўз ватанида ўтмишда кучли давлатлар мавжуд бўлганлигини, улар ҳар қандай душманни қайтара олганлигини билар эди. У муғул босқинчиларига қарши турган буюк хоразмшоҳлар тарихини яхши билган. Шу сабабли унда аввал Чигатой улусини, унинг чегарасини тиклаш ғояси пайдо бўлди, кейин эса бутун мамлакатни бирлаштириш ғояси туғилди. Унинг охириги мақсади иқтисодиёти, маданияти гуллаб-яшнаган, аҳолининг хавфсизлиги тўлиқ таъминланган ягона давлатни яратиш эди. Ўз мақсадини амалга ошириш учун Амир Темури 35 йил уруш олиб борди. Унинг адлу адолати сабабли шундай бўлдики, агар бирон киши олтин ёки қумуш тўлдирилган тоғорани бошига қўйиб, ғарбнинг энг чеккасида шарқнинг энг четигача ёлғиз ўтиб борса, ҳеч ким унга назар солишга журъат этмади.

Амир Темурнинг улуғворлиги шундаки, тарих унинг зиммасига бирданига бир нечта буюк вазифаларни юклади. Биринчиси- бу Марказий Осиёни ягона давлат қилиб бирлаштириш. Яна бири 1395 йилда Олтин Ўрданинг тор-мор қилиниши бўлиб, шундан сўнг бу саҳро давлати ўзининг илгариги куч-қудратини тиклай олмади. Бу ҳол Москва Русининг кучайишига ва бошқа рус ерларининг мазкур давлат теварагида бирлашувига йўл очиб берди. А.Ю. Якубовский ёзганидек, «Темури Олтин Ўрда билан Ўрта Осиё манфаатларини қўлаб қураш олиб борди. Бироқ объектив тарзда у фақат Ўрта Осиё учун эмас, балки Рус учун ҳам фойдали иш қилди».

Шундай қилиб, Амир Темури шарқий ва марказий Европа тарихида кескин бурилишни амалга оширди. Амир Темурнинг учинчи миссияси унинг 1402 йилда Анқара ёнида Боязид устидан ғалаба қозонишидир. Усмонийлар салтанатини тор-мор қилиб, Амир Темури Кичик Осиёда олдин мавжуд бўлган князликларни тиклади, Усмонийлар империясини бўлиб, Константинополь (Истамбул) шаҳри ва бошқа Европа мамлакатларининг забт этилишини 50 йил орқага суриб юборди.

Бу буюк жаҳонгир тарих тақозоси ва ўрта асрнинг удум ва таомилига асосан ўз давлат чегараларини кенгайтиришга ҳаракат қилди. У Ҳиндистон, Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларига бир неча бор ҳарбий юришлар уюштирди. Анқара шаҳри яқинида Усмонли турклар Султони Боязид Йилдирм қўшинлари устидан ғалаба қозониб, бутун Европани хайратга солди. Бу ғалаба туфайли Султон тазйиқидан халос бўлиб олган Европа қироллари Темури ва унинг ворислари билан бевосита алоқалар ўрнатишга шошилдилар. Франция қироли Карл VI (1380-1422), Англия қироли Генрих IV (1399-1413) ҳамда Кастилия ва Леон қироли Генрих III (1390-1407) шулар жумласидандир. Улар унга ўз муборақномаларини юборадилар. Чунки Соҳибқирон эндигина уйғонаётган Европага улкан хавф солиб турган Усмонли турклар давлатига зарба бериб, бутун Европанинг халоскорига айланган эди.

Буюк саркарданинг Хоразм ва Ўрта Осиёга қарши қурашиб уларни енгиши, Эрон, Озарбайжон, Ирок, Ҳиндистон, Сурия ва Туркияга қилган юришлари Темури давлати қудратини оширди. Амир Темури 27 та мамлакатни ўзига бўйсундириб, ўз давлатини жаҳоннинг буюк империялари қаторига қўтарди. Унинг ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр дунё тараққиёти билан бевосита боғланиб, жаҳоннинг илғор мамлакатларига айланди. Буюк ипак йўлининг катта қисми Темури давлати назоратига ўтди.

Ўрта асрларнинг бу улкан давлатини идора этишда Амир Темури феодал бошқарув тизимининг асосий қонун-қоидалари – «Тузуқлар»ни яратди. Ислом дини мафқураси ва аҳкомларига суяниб, у ўз «Тузуқлари» асосида эл-юртни бошқарди ва мамлакатни обод этди.

XIV аср охири ва XV аср бошларида Мовароуннаҳрда ўрнатилган нисбий осойишталик, шубҳасиз, мамлакатнинг иқтисодий ҳаёти ҳамда ишлаб чиқариш кучларининг ривожига ижобий омил бўлди. Хўжаликнинг асоси бўлган деҳқончилик, ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо кенгайди, фан ва маданиятнинг рағнақи учун маълум шарт-шароитлар вужудга келди.

Бу даврда Самарқанд, Бухоро, Кеш (Шаҳрисабз), Тошкент, Шохрухия (Баноқат), Термиз ва бошқа қўпгина шаҳарлар ривожланиб, ўзининг топографик кифоаси, аҳолисининг касб-ҳунари, ички ва ташқи алоқалари билан ўрта асрлар шарқининг намунали ҳунармандчилик ва савдо марказига айланди.

Меъморилик кенг ривож топди. Айниқса, Самарқанд қайтадан қурилиб, Темури давлатининг пойтахтига айлантирилди. Шаҳарда маҳобатли бинолар, саройлар, масжид-мадрасалар, хоноқо-ю макбаралар, ҳоммолару қарвонсаройлар қад қўтарди. Шаҳар атрофи йирик суғориш тармоқлари ва турли хил сув иншоотлари воситасида суғорилиб, ўнлаб боғ-роғлар ва бўстонлар барпо этилди. XV

асрда яшаган машхур тарихчи Ибн Арабшоҳ тилга олган Бўстон-ул Элам, Зийнад-уд Дунё, Жаннат ул-Фирдавс, Бўстон уш-Шимол ва бошқалар шу боғу-роғлар жумласидандир.

Бу даврда Мовароуннаҳр пойтахти Самарқандда ҳам Кеш, Бухорода, шунингдек, Хуросон маркази Хиротда ҳунарманд, меъмор-бинокор ва наққошлар билан бир қаторда олиму фозиллар ва шоиру бастакорлар тўпланиб, илм-фан ва санъатнинг равнақига улкан ҳисса қўшдилар. Бу шаҳарларда бир қанча мадрасалар қурилди. Уларда илоҳиёт илмлари билан бирга риёзиёт, ҳандаса, тиббиёт, илми ҳаёт, илми аруз, тарих, фалсафа каби дунёвий билимлар ҳам ўқитилди. Самарқандда Улуғбек томонидан қурдирилган мадрасалар ўз даврининг «Дорул-илм» – академиясига айланди. Унда математика астронимия фанлари ривожига улкан ҳисса қўшган Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид, Мирам Чалабий ва Али Қушчи каби олимлар ижод этдилар ва илм-фан равнақига улкан ҳиссаларини қўшдилар.